

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 121 (11.432)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ислам Каримов  
18 июнь куни Оқсаройда  
Халқаро валюта  
жамғармасининг (ХВЖ)  
фармойиш берувчи  
директори Доминик Стросс-  
Канни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари ушбу ташриф мазкур халқаро молия муассасаси билан ҳамкорликнинг истиқболдаги устувор йўналишларини белгилаб олиш учун қўлай имконият эканини таъкидлади.

Ўзбекистон 1992 йилда ХВЖга аъзо бўлган. 1993 йилдан мамлакатимизда ушбу халқаро молия муассасасининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасидаги ҳамкорлик банк қонунчилигини, статистик қайд ва ҳисобот тизимини, бюджет таснифотини такомиллаштириш, тўлов тизимини ривожлантириш каби соҳаларда, айниқса, фаол ривожланди. Ўзбекистон ХВЖ томонидан ажратилган кредитларни тўлаш бўйича барча мажбуриятларини бажарган.

Ушбу халқаро молия муассасаси Низомининг IV Моддасига мувофиқ, ҳар йили Ўзбекистонга ХВЖ миссияси ташриф буюриб, банк-молия тизимини ривожлантириш, пул-кредит сибсатини такомиллаштириш, макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш сингари йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан музокара ўтказилади. Хусусан, 2008 йил декабрь ойида Ўзбекистонга ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директорининг ўринбосари Сена Экен хоним раҳбарлигидаги миссия келиб кетди. Унинг вакиллари жаҳонда молиявий-иктисодий инкироз ҳукм сураётганига қарамай, Ўзбекистонда иқтисодий барқарорлик сақлаб қолинганини, яъни ички маҳсулот ўсиши 9 фоизни ташкил этганини, ташқи савдода – ижобий сальдо, бюджетда – профицит кузатилганини, валюта захиралари ҳажми ошишда давом этаётганини эътироф этди.

ХВЖ Ижрочи директорлар кенгаши ҳам мамлакатимиздаги юқори иқтисодий ўсиш суръатларини, макроиктисодий барқарорлик изчил мустаҳкамлаб бораётганини, тузилмавий ўзгаришлар муваффақият билан амалга оширилаётганини инобатга олиб, Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланишга юқори баҳо берди. Ушбу кенгаш мажлисида Ўзбекистонда иқтисодий ривожлантириш борасида кўрилатган чора-тадбирлар мамлакат савдо ва тўлов балансида ижобий сальдонини барқарорлаштириш, олтин-валюта захирасини кўпайтириш имконини бераётгани қайд этилди. Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар салмоғи ортиб бораётгани тўғрисида экспортнинг ўсиш суръати ошиб бормоқда.

ХВЖ экспертлари жаҳонда молиявий-иктисодий инкироз ҳукми сураётганига қарамадан, жорий йилда ҳам ижобий иқтисодий кўрсаткичларга эришиш учун Ўзбекистонда барча асослар борлигини таъкидлашмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Доминик Стросс-Канн глобал иқтисодий инкироз таъсирини камайтириш ва иқтисодийни янада ривожлантириш борасида Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни кенгайтириб бораверишга тайёр эканини қайд этди. Самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.


(ЎЗА)

**Бугунги кунда  
мамлакатимизда  
мебелсозлик саноати ўзига  
хос тарзда  
ривожланмоқдаки, бу  
ички бозорда харидорини  
топаётган халқаро  
андозаларга мос юксак  
дизайнга эга бўлган  
сифатли ва  
рақобатбардош мебель  
турларида яққол кўриниб  
турибди.**

Собир Раҳимов туманида фаолият кўрсатаётган «E-TWOOD» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг мебель маҳсулотлари ҳам фикримизнинг яққол далили бўлиб, бу борада тадбиркор жамоа ахлининг изланишлари ўз самарасини бермоқда. Аввало шунинг алоҳида айтиш лозимки, ўтган ўн йилдан ортиқ фаолияти давомида корхона мебелсозлари сафи ҳам, маҳсулот турлари ҳам нафақат сон жиҳатидан, балки сифат жиҳатидан ҳам ўсди. Бу ерда ўз касбининг усталари бўлган малакали мутахассислар етишиб чиқдики, бу борада уларга яратилган шарт-шароитлар, бозорни тинмай ўрганиш, цехларнинг замонавий ишлаб чиқариш линиялари билан жиҳозланганлиги қўл келди.

Албатта, илк фаолиятини кичик бир цехда оддий болалар қаравоти ва бир неча турдаги стуллар ишлаб чиқаришдан бошлаган мажор жамоа ахлининг бугунги кўрсаткичлари, ютуқлари изла-ниш самарасидир. Хозирда цехларда за-

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## Хусусий корхоналарда РАҚОБАТБАРДОШ МЕБЕЛЛАР

монавий технологик линиялардан фойдаланган ҳолда 60 хилдан зиёд мебель маҳсулотлари тайёрланмоқдаки, ушбу товарлар ўзининг мустаҳкамлиги, юксак дизайни билан хорижий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган худди шундай товарлар билан бемалол рақобатлаша олади.

— Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга интилиб, цехларимизга янги хорижий технологик жиҳозларни келтириб ўрнатилган муваффақ бўлдики, — дейди корхона раҳбари Абдугани Қосимов. — Бу, албатта, тайёрланаётган маҳсулотларимиз турларини кўпайтиришга ёрдам бериб қолмай, сифатини юксалтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, хозирда мебелсозларимиз тайёрлаётган стол-стуллар, комод ва юмшоқ мебеллар жамламаси, ўтган йилдан бошлаб ишлаб чиқарилаётган меҳмонхона тўпалмлари ҳамда бошқа ранг-баранг маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлиги таъминланган. Ўтган йиллар давомида нафақат ички бозорда ўрнини эши топдики, балки қўшни давлатларда ҳам бу-

юртмачларимиз сафи ортиб бормоқда. Хусусий корхонанинг йилдан йилга кенгайиб, ривожланиб бораётганини шундан ҳам билиш мумкинки, бу ерда дизайн билан хорижий корхоналарда ишлаб чиқариш салмоғи ҳам ортиди, мебелсозлар сафи эса 7 нафардан 100 нафарга етди. Энг муҳими эса уларнинг сафи ёшлар билан тўлиб, малакали мебелсозларнинг ўзлари етук шогирдлар тайёрлашга эътибор қаратишди.

Албатта, ишчи-хизматчиларга қаратилган эътибор ҳам қилинган даромадга яраша бўлади. Корхонанинг ўз маблағлари ҳисобига қуриб битказилган мухташам кўрғазмалар зали ва савдо мажмуаси биносидан улар учун дам олиш хоналари мавжуд, саломатликларини тиклашлари эътибор қаратилди. Кўрғазмалар залидан эса нафақат корхона мебелсозларининг тайёрлаётган маҳсулотлари, балки келгусида буюртмачи талаб ва тақлифлари асосида ишлаб чиқариладиган мебель турлари ҳам ўрин олганлиги харидорлар учун қўлайлиқдир.

Биргина идора, офис, хонадонлар учун мўлжалланган стол-стулларнинг

ўнлаб турларини янги дизайнда харидорларга тортиқ этаётган тадбиркорлар шахримизнинг 2200 йиллигини муносивиб қутиб олиш мақсадида янада сифатли ва рақобатбардош мебеллар яратиш йўлида изланишмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жорий йил улар учун муваффақият билан бошланди. Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг Собир Раҳимов тумани босқичида иштирок этган корхона раҳбари Абдугани Қосимов «Энг яхши тадбиркор» деб топилди. Танловнинг шаҳар босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, тадбиркорлар орасида фахрли 2-ўринга сазовор бўлди.

Албатта, саъй-ҳаракат бор жойда самара ҳам, ютуқ ҳам шунга яраша бўлади. «Эътиқодчилар ҳам ҳаминча яхши ташаббус кўрсатиш, иқтисодий ривожига муносиб улуш қўлишга аҳд қилган ҳолда интилишди, ҳаракат қилишди. Ҳаракатнинг баракаси эса ютуқларда яққол аксини топмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА  
СУРАТДА: «Эътиқод»да тажрибали мебелсозлар сафи ортмоқда.  
Ҳакимжон Солиқов олган сурат.

**Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш Ўзбекистон истиқлолга эришганидан сўнг амалга ошириб келинаётган кенг кўламли демократик ислохотларнинг асосий вазифаси бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Тошкентда «Суд-ҳуқуқ ислохоти: ютуқлар ва уни чуқурлаштириш йўллари» мавзусида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий семинарда шу ҳақда сўз юритилди.**

## СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОХОТЛАРИ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тадбир Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, Тошкент давлат юридик институти, Олий суди ва Бош прокуратураси, шунингдек, «Минтақавий мулоқот» (Словения) лойиҳаси томонидан ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқла-

ри бўйича вакили институти (Омбудсман) раҳбарлари ва етакчи мутахассислари, фуқаролик жамияти институти етакчи ҳамда фаоллари, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция, Япония, Хиндистон ва бошқа давлатлардан экспертлар, олимлар, мутахассислар, БМТ, ЕХҲТ вакиллари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган чет эллик дипломатлар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан «Фуқароларнинг мувожаатлари тўғрисидаги қонунчилик: миллий ва хорижий тажриба» мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари кўмитаси томонидан Навоий вилоятида уюштирилган ҳудудий семинарда «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга оширишда маҳаллий вакилий ҳокимияти органлари — халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш хусусида сўз борди.

● Бу йилги мавсумда Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятларида 447672 квати ипак курти парваришланиб, бугунги кунгача 24 минг тоннадан зиёд сифатли пилла хом ашёси етиштирилди. Яъни, пилла тайёрлаш юзасидан тайёрлов идоралари ва фермер хўжалиқлари ўртасида тузилган шартнома мажбуриятлари ортиги билан бажарилди. Бу йил 2008 йилдагига нисбатан 600 тонна кўп пилла қабул пунктларига топширилди.

● Тошкентда «Инновацион иқтисодиётда ахборот оқимларини ташкил этиш» мавзусида халқаро анжуман бошланди. Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад мамлакатимиздаги илмий техника ахбороти миллий тизими, янги технологиялар трансфери ва уларни ўзлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашдир.

● Қорақалпоғистон Республикаси давлат ўлкашунослик музейида Қорақалпоғистон биохилма-хиллиги атлас китобининг тақдими ўтказилди.

● Сирдарё вилоятида очилган «Паррандачилик-Работ» хусусий корхонасида 100 мингта жўжа тайёрлашга мўлжалланган инкубатор қурилмалари ўрнатилди. Сайхунбод туман ҳокимлиги корхонанинг хайрли ишини қўллаб-қувватлаб, қурилиш ва озука экинлари етиштириш учун ер майдони ажратди. Айни пайтда хусусий корхона паррандабоқарлари инкубатордан чиқарилган дастлабки 30 мингта жўжа парваришига киришдилар.

## ЖАҲОНДА

● Европа Иттифоқининг Брюсселда ўтказилаётган саммитида кеча Жозе Баррозу Еврокомиссия раҳбарлигига иккинчи муддатга сайланди.

● Бугун Европа Иттифоқи саммитида Украинага Россияга газини тўловларни тўлашга қўмақлашиш мақсадида 4 миллиард долларлик маблағ ажратилиши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

● Буюк Британия мамлакатдаги Эронга тегишли бўлган 1,6 миллиард долларлик активларни музлатиб қўйди.

● Кеча Тбилисидаги мамлакат президенти қароргоҳи атрофида норозилик намойишини ўтказиётган муҳолифат вакиллари томонидан қурилган палаткалар полициячилар томонидан бузиб ташланди.

● АҚШ Бирлашган Миллатлар Ташкилотига Афғонистондаги сайловларни ўтказиш учун 150 миллион доллар миқдорида маблағ ажратишга қарор қилди.

● Кеча Брюсселдан Нью-Йоркка парвоз қилаётган самолёт АҚШнинг бошқа шаҳридаги аэропортга фавқулодда ҳолатда қўнишга мажбур бўлди. Гап шундаки, парвоз охирида бўлган пайтда кема сардори юрак хуружидан ҳаётдан кўз юмган. 247 нафар йўловчи кетаётган самолётни икки нафар ёрдамчи учувчи муваффақиятли қўндиришга муваффақ бўлди.

● Америка космик агентлиги NASA «Индевор» шаттлининг парвозини бекор қилди. Космик кема ташқи ёнилғи бақидан суюқ водороднинг тинимсиз сизиб чиқиши парвознинг бекор қилинишига сабаб бўлди. «Индевор»нинг парвоз муддати ҳозирча маълум эмас.

● Грузиянинг шимолий қисмида бир неча кундан буён давом этаётган кучли ёмғирлар сув тошқинларини юзга келтирди. Натижада 17 та қишлоқ ташқи дунёдан узулиб қолди, минглаб гектар қишлоқ хўжалик майдонларини сув босди, қўллаб уй ҳайвонлари ва паррандалар нобуд бўлди.

● Белоруссия сут маҳсулотларининг Россияга экспорти қайта тикланди.

● Роскосмос ва Европа космик агентлиги ўртасида Меркурий сайёрасига парвоз бўйича лойиҳани амалга ошириш юзасидан битим имзоланди.

● Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида рўй берган кучли қум бўрони натижасида шаҳар аэропортда ҳаво кемаларининг барча рейслари бекор қилинди.

● АҚШ космик тадқиқотлар агентлиги NASA Ойга тадқиқот ишларини амалга оширишга мўлжалланган иккита сунъий йўлдош-ни учирди.

**ҚИСКА  
САТРАРДА**  
Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги 208-мактаб қошидаги болалар ёзги оромгоҳида пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб уюштирилган асфальтга расм чизиш кўрик-танлови «Тошкент — болалар нигоҳида» деб номланди.

✓ **МАЪНАВИЯТ** тарғибот марказининг Яқкасарой туман бўлими ташаббуси билан 78-мактаб қошидаги болалар оромгоҳида **БУГУН** нарколог шифокорлар ва ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Гивандлик — умр заволи» деб номланди.

✓ **АБДУЛЛА** Авлоний номли маҳаллада маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган тадбир она ва бола саломатлигини асрашнинг долзарб масалаларига бағишланди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан болалар ўртасида уюштирилган расмлар кўрғазмаси «Биз гивандликка қарши курашамиз» деб номланди.

Анжуманлар

ТОШКЕНТ — ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Куни кеча Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Юнусобод туман касаба уюшмалари бирлашмаси ташаббуси билан «Тошкент» телерадиоканали, шаҳар тadbirkorлар касаба уюшмаси, туман Маънавият-тарғибот маркази, маданият ва спорт ишлари бўлими, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ҳамкорлигида ўтказилган «Тошкент — тараққиёт йўлида» номли илмий-амалий анжуман қутлуг сана — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди.



Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тadbirkorда сўзга чиққан Ўзбекистон тарихи Давлат музейи раҳбари, тарих фанлари номзоди Ж.Исмомилова, Тошкент Давлат юридик институти доценти, тарих фанлари номзоди Ж.Рахимов, Тошкент Ахборот-технологиялари университети ўқитувчиси Ф.Шарипова. Тошкент шаҳар Маънавият тарғибот маркази раҳбари И.Абдуға-

ниев, халқаро Амир Темур жамғармаси бошқаруви раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Истиклол йилларида мамлакатимиз эришган барча соҳалардаги ютуқлар, қадимий ва ҳамиша навқирон Тошкент шаҳрининг ўтмиши ва бугуни ҳақидаги мулоҳазаларини билдирдилар. Шундан сўнг, «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» шиори остида ўтказилган кўшиқлар ҳуқуқ-танловининг туман босқичи ғолиблари — Тошкент Ахборот технологиялари университети талабалари Р.Саъдуллаев, Ш.Азизов, ТошПТИ талабаси С.Ўой, шу институт академик лицейи ўқувчиси Д.Бойтоев, «Тошкент шаҳрим — менинг фахрим» шиори остидаги шеъ-

рия кечаси ғолиблари Тошкент Давлат юридик институти академик лицейи ўқувчиси Ш.Абдурашулова, ТошПТИ талабаси Д.Холбекова, шу институт академик лицейи ўқувчиси С.Рахматов, «Тошкент тарихини ўргана-миз» шиори остидаги беллашув ғолиблари — Тошкент Молия институтининг «Шошкент», Тошкент Ахборот технологиялари университетининг «Шарқ дарвозаси», шу университетнинг махсус факультети курсантларидан ташкил топган «Темурийлар» гуруҳлари тақдирландилар. Кеча давомида «Тошкент — кеча ва бугун» мавзусидаги ҳужжатли фильм намойиши йилгиланларда катта таассурот қолдирди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

НУФУЗИ ОШИБ БОРМОҚДА

Йил сайин обод бўлиб кўркамлашиб, нуфузи ҳам халқаро миқёсда янада ошиб бораётган жонажон пойтахтимизнинг жамоли, дарҳақиқат, ҳар кимнинг эътиборини тортиши табиий.

Нон шаҳри, дўстлик шаҳри деб ном олган асим Тошкентни бугунги кунда ҳақи равишда навқирон шаҳар десак хато бўлмайди. Бунинг асосида Давлат жаҳон тиллари университетида биз, ёш журналистларга сабоқ бераётган хорхилик мутахассислар ҳам алоҳида гуруҳ билан эътироф этаётларлар. — Кўпгина Осиё давлатларида меҳмондўстлик намуналарини кузатганман, — дейди ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети корейс тили ўқитувчиси Ха Ми Хи. — Жанубий Кореядан биринчи марта Тошкентга келганимда, бу ерда жуда кўп турли турли вакиллари истикомат қилса-да, уларнинг баркирчилиги, очик қўнгилчилиги, меҳмоннавозлиги мени хайратга солди. Шаҳарнинг кўркамлиги, айниқса тунда жилвадор чироклар остида янада гўзаллашиб кетиши мени мафтун этган. — Ҳар бир мусофир киши бошқа юртга борганда, ўша ернинг халқидан меҳр-муҳаббат, эътибор кутмиши, менинг назаримда, табиий ҳол бўлса керак, — дейди хи-эй тили бўйича устозимиз Хазин Тао. — Ўзим асли Хитойнинг Лаосин шаҳриданман. Ушбу қутлуг даргоҳда ёшларнинг билим олишлари ва бор-

оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганим, ўйлайманки, Ўзбекистон ва Хитой муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Даставвал Тошкент шаҳрининг шарт-шароитларига мослашиш ниятида бир муддат ўзбек оиласида яшадим. Оиладаги тартиб-интизом, жондон вакиллари бир-бирига ҳурмати гоёй ибратли эди. Бир кун ишдан жуда кеч қайтдим. Ёшим 40 дан ошган бўлса-да, ўша хондондаги кекса аёл мени койди. Аслида бегона бўлишимга қарамай, ўз боласидай кўриб, мендан хавотир олиб кутиб ўтирган экан. Шу-шу Тошкент чиндан ҳам бағрикенглик, меҳмондўстликни яққол ифодаловчи шаҳар эканлигига яна бир бор амин бўлдим. — Ўзга юртлиларнинг бундай хайратли сўзларини эшитиб, бироз ўйланиб қолсан киши. Мана шу юрт фарзанди сифатида ота-онамиз, яқинларимиз, дўстларимиз, бизга илм бераётган устозларимизнинг, она Тошкентимизнинг кадрига етмоғимиз даркор. Махлўб ОТАБОВА, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети журналистика факультети талабаси

(Давоми. Боши 1-бет-да)

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини чуқур демократик ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жаҳон ҳамжамиятининг эътирофи этишча, мамлакатимизда бугун инсоннинг ихтиёрий, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий механизмлар, сиёсий институтлар ташкил этилган. Мамлакатимизда жиноятлар таснифи тўлиқ ўзгартирилди. Бунда оғир жиноятлар тоифасига киритилган жиноий ҳатти-ҳаракатлар рўйхати сезиларли даражада қисқартрилди. Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш самардорлигини оширишга доир чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Судларни жиноий, фуқаролик ва ҳужалик ишлари бўйича ихтисослаштириш амалга оширилди, суд ишларини апелляция ва кассация тартибда кўриб чиқадиган институтлар, ярашув институти жорий этилди. Прокурор ва адвокат ҳуқуқлари тенг-лигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш борасидаги муҳим қадам бўлди. Семинар қатнашчилари томонидан мамлакатимизда суд иштини юретиш ҳар қандай босқичда фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатилишини таъминлайдиган адвокатура институтини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган ишларга юксак баҳо берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони илчиллик билан амалга ошириш адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдирish, адвокатларнинг муста-

қиллиги кафолатларини кучайтириш борасида улкан аҳамият касб этади. Одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш, судлар фаолиятига аралашушга ҳамда ғайриқонуний суд қарорларини чиқарилишига йўл қўймалик мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ҳузурда Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича Таджикот маркази ташкил этилди. Суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим таркибий қисми сифатида узлуксиз таълим тизими шакллантирилди.

ётганини, яъни бу борада барча ҳуқуқчи муҳофаза қилиш органлари ва демократик институтларнинг фаолияти ва вазифалари камраб олинганини кўрсатади. Қабул қилинган барча ҳуқуқий чора-тадбирлар рўёбга чиқарилиб, амалда қўлланилмоқда. Ўзбекистонда ривожланган давлатларда ҳам фойдаланиш мумкин бўлган бой ва фойдали тақрибга тўпланган. Масалан, АҚШда Ўзбекистон тақрибасини қўллаган ҳолда, ҳозирги кунгача мавжуд бўлмаган Федерал Омбудсман институти тасвир этиш мақсадида мувофиқ бўлур эди. Бундан ташқари, АҚШ

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОХОТЛАРИ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тadbirkor иштирокчилари томонидан Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида рўёбга чиқарилаётган ушбу ва бошқа қатор чора-тадбирлар суд ҳокимиятининг мустақиллиги, эркинлиги ва нуфузини мустаҳкамлашга ёрдам бераётгани таъкидланди. Суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар Ўзбекистон танлаган демократик ҳуқуқий давлат ва қули фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан қатъият билан бораётганидан далолатдир. Семинар давомида муайян мавзулар бўйича очик ва жонли мунозаралар шаклидаги янги йиғилишлар бўлиб ўтди. Иштирокчилар ўз мамлакатларида келгусида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш йўллари ва имкониятлари ҳақида фикр алмашди, бу борада тўпланган тақриб билан ўртоқлашди.

Конституциясида ўлим жазосини ман этадиган қоида йўқ. Айни пайтда ушбу жазо чорасини атиги 11 штат бекор қилди, холос, қолганлари эса уни қўллашни давом эттирмоқда.

Р.Мюллерсон, Буюк Британия Халқаро ҳуқуқ киролик коллежи профессори: «Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш борасидаги фаол саяб-ҳаракатлари эътиборга лойиқ ва ибратлидир. Айни пайтда, Ўзбекистонда суд ҳокимияти қатъий шакллантирилди ва белгилангани муҳим аҳамиятга эга». Буюк британиялик эксперт Ўзбекистоннинг пенитенциар сис-эсати ҳақида гапирар экан, сўнгги йилларда ҳуқуқимиз томонидан ННТ, Халқаро Қизил Хоч қўмитаси ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиз пенитенциар муассасаларида кенг фойдаланишни таъминлаш борасида кўрилган ижобий чора-тадбирлари алоҳида қайд этди. Унинг фикрича, «бу мабусларни саклаш шароитлари халқаро стандартларга мос келишининг кафолатидир».

Т.Акане, Япония Адлия вазирлигининг Таджикотлар ва малака ошириш институти халқаро ҳамкорлик департаменти директори: «Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мавжуд ҳуқуқий тизимини, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришнинг муҳим омилларидандир. Аҳолининг кабардорлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш эркин фикр билдириш билан қўллаб-қувватланиши лозим. Бу, масалан, турли конференциялар, семинарлар, жумла-дан, инсон ҳуқуқлари соҳасида хо-

ган шахсларга нисбатан қўлланиши назарда тутилган. Ушбу қоида жиноий жавобгарликка тортилдиган ва озодликдан маҳрум этиладиган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасини оширадиган гоёй ижобий ҳолатдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-модда 2-бандига мурожаат қилинадиган бўлса, унда жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳеч ким судсиз маҳрум этиш ёки чеклаш ҳуқуқига эга эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилганини кўриш мумкин». Экспертнинг фикрича, Конституциянинг ушбу қоидалари ва Ўзбекистоннинг бошқа қатор меъёрий ҳужжатлари жиноят-процессуал қонунчилигининг ижросини таъминлашда судларнинг ролини оширишга хизмат қилади.

В.Жоржи, Италия «Евроюрист» юристлар ассоциацияси адвокати: «Мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари адвокатлик фаолияти демократик ривожланиш принципларига мос барча ваколатларга эга бўлиши учун пухта замин бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда адвокатура институти шаклланди ва у айни пайтда изчил ривожланмоқда. Адвокатуранинг ҳуқуқий асослари демократик талабларга жавоб беради. Ўзбекистон адвокатлари мамлакат қонунлари қатъий амал қилган ҳолда, ўз мажбуриятларини аниқ бажармоқда. Бу эса, ўз навбатида, демократия ва Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатидир». Семинарнинг хоржий иштирокчилари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Адлия вазирлиги ҳузурдаги Юристар малакасини ошириш маркази, Олий суд ҳузурдаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича Таджикот маркази фаолияти билан танишди.

Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбири



Ҳамкорлик ПАРВОЗЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Мустақил мамлакатимизнинг жаҳоннинг турли давлатларига ҳаво рейслари тобора кўпайиб бормоқда. Жумладан, ўтган йил охирида бундай рейслар сони яна биттага ошди. Москва маъмуриятининг «Атлант-союз» авиакомпанияси Тошкентдан Россия пойтахтига ва Москвадан мамлакатимиз пойтахтига мунтазам авиақатновларни амалга оширишни бошлади.

Ҳаво кемаларидан фойдаланмоқда. Йўналишлар тармоғини янада кенгайтириш ва буортмачилар эҳтиёжларини имкон қадар тўла қондириш мақсадида авиакомпания яна тўртта янги Boeing-737-900 №G самолётларини харид қилиш учун шартнома тўзди. Нафақат парвоз пайтида, балки учидан олдин ҳам юқори даражадаги сервис хизматини кўрсатиш учун авиакомпания янги тизим турларини таъбиқ этмоқда. «Евросет» уяли алоқа салонлари федерал тармоғи ва корпоратив сайт орқали элек-

трон чипталарга олдиндан буюртма бериш ва харид қилиш, турли-туман банк карталари воситасида чипталарга ҳақ тўлаш каби хизматлар шулар жумласидандир. Албатта, Тошкент шаҳрига унинг 2200 йиллиги муносабати билан ташриф буюришни режалаштирган, қадимги Бухорога бормоқчи бўлган, Самарқанднинг бетакор манзараларига ошуфта, Фарғонанинг ушубу мева-сабзавотларидан баҳраманд бўлишни истаган сайёҳлар бундай хизматлардан фойдаланишлари мумкин.

(Ўз мухбиримиз)

Сўранг, жавоб берамиз

Маълумки инсон эрки ва ҳақ-ҳуқуқлари энг олий кадрият, ҳамма нарсадан устун туради. Шу боис унинг камситилишига йўл қўймалик керак. Агар шундай ҳолат юз берса қандай йўл тутиш мумкин?

Ш. Иноятов, Шайхонтохур тумани

Дарҳақиқат, инсон шаъни, қадр-қиммати ҳамма нарсадан улуғ ва унга дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Инсон энг аввало ўз ҳақ- ҳуқуқи ва бурчини яхши билмоғи керак. Шундагина унинг ҳаётига ҳеч ким дахл қилолмайди. Мустақилликка эришилган илк йилларданок республикамизда инсон ҳуқуқлари олий кадрият сифатида қадр топиб келмоқда ва фуқароларни ҳар томонлама ҳимоялаш тизими яратилган бўлиб, бугун аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган эътибор ўз самарасини бермоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тadbirkorлар дастури тўғрисида»ги Фармони эса мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари юксак қадрлигининг яна бир ёрқин далили бўлди. Мазкур ҳужжат юртимизда демократик, ҳуқуқий, сиёсий- иқтисодий, ижтимоий- маънавий ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Шунинг учун сиз ҳам мустақил Ўзбекистоннинг тўла эрки фуқароси сифатида иш юртишингиз, қонун доирасида ҳуқуқингиз камситилишига йўл қўймай иш олиб боришингиз керак.

Кейинги пайтларда тез-тез қулоғимизга «одам савдоси» деган хунук сўз эшитилдиган бўлиб қолди. Хабарларда айтилишича ушбу иллатга бутун дунёда кескин чоралар кўрилиб унга қарши иш олиб борилмоқда экан, шу жумладан бизнинг давлатимизда ҳам. Шу тўғрисида янада тўлиқ-роқ маълумот олмақчи эдик.

З. Қаландарова, Э. Азизова, Миробод тумани

XXI асрда илм-фан ва техника шиддат билан ривожланиб, ахборот аламуниви ҳам тубдан тақомиллашди. Бунда, албатта дунё мамлакатлари халқаро муносабатларда ҳавфсизликни таъминлаш, ҳар бир соҳада ҳамкорлик қилиш ва турли хил муаммоларни биргаликда ҳал этишга эътибор қаратмоқда. Бунинг натижасида мамлакатлараро миграция жараёни фаоллашиб эркин фаолият олиб бориш учун имкониятлар кенгайди. Шу ўринда ижобий ўзгаришлар билан бирга афсуски «одам савдоси»дек трансмилий жиноятлар ҳам кўпайиб бутун дунё ахлини ташвишга солмоқда.

Одам савдоси — инсон, унинг шаъни ва қадр-қимматига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик турларидан бири. У чегара билмайди ва асосан ёшларни, аёлларни гирдобига тортади. Унинг ортида мажбурий меҳнат, қуллик, ҳўрлаш, тақдирлаш каби энг оғир, қабиҳ қилмишлар ётади.

Мустақил республикамизда одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2008 йил 17 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун бу йўналишдаги чора-тадбирларни тақомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтирди. Шунингдек, қонунда муҳофаза қилувчи идоралардан ташқари барча давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда фуқароларнинг ушбу иллатга қарши курашишда кўмаклашиши лозимлиги таъкидланиб, бу масалага бутун жамоатчилик эътибори қаратилди.

Мазкур қонунда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этилиши ҳам кўзда тутилди. Бугунги кунда республикамизда одам савдосига қарши кураш олиб бориш билан бирга жабрланганларга қулай яшаш шароитларини яратиш, уларни озиқ-овқат, дори-дармон каби керакли ашёлар билан таъминлаш бўйича ҳам иш олиб борилмоқда. Республика Президентининг 2008 йилнинг 8 июлидаги «Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан юқоридаги қонун нормалари амалга татбиқ этилиб, мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишни самарали ташкил этиш мақсадида 2008-2010 йилларга мўлжалланган Миллий режа тасдиқланди ва аниқ вазифалар қўйилди.

Шундай экан шу юрт фуқароси бўлган ҳар бир онгли инсон ён- атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисалардан бохабар бўлмоғи, инсон шаънини топтовчи иллатларга қарши биргаликда курашмоғи керак. Зеро, инсон шахси ва қадр-қиммати ҳар нарсадан улуғ ва ҳурмат- эҳтиромга лойиқдир.

Ушбу саволларга 1-Яккасарой тумани давлат нотариал идораси нотариуслари Салмоз ГАФФАРОВА ва Одил МУСАЕВлар жавоб бердилар.

Дам олиш соатларида



Мамлакатлар. Халқлар. Удумлар

ТУРЛИ МИЛЛАТ — ТУРЛИЧА ТҮЙЛАР

Ер юзиде минглаб халқлар, элатлар яшайди. Уларнинг ҳар бири ўз тили, маданияти ва, табиийки, никоҳ тўйлари бўйича ўз анъаналарига эга. Мутахассисларнинг фикрича, никоҳдан ўтининг энг содда кўриниши Месопотамияда мавжуд экан. У ерда йигит гувоҳлар иштирокида келиннинг юзиди ҳарир парда билан ёпиб: "У меннинг рафиқам бўлди", деб айтarkan.

Баъзи бир халқларда кизлар одамга турмушга чиқмай, жонсиз нарсага хотин бўларкан. Бундай никоҳлар оддий тўйлардек нишонланиб, кўпроқ балогат ёшига етмаган кизларга алоқадордир. Руандада урф-одатлар келин-куёвлардан бир-бирларига чексиз нафрат билан қарашни талаб этади. Никоҳ тўйи тугагач, келин кечаси эрининг уйига боради ва эрини чинакамига қалтаклаш бошланади. Хотини эрини уради, ҳамма ёғини тирнаб ташлайди ва бу ҳолат кечаси билан давом этади. Булун бу удум тонг ёришгунча давом этиб, сўнг келин дам олишга уйига кетади, кечқурун эса, ҳаммаси янгидан бошланади. Эр-хотин уриши бир неча кун, ҳатто бир ойгача давом этиши мумкин! Бир-бирига нафрат тугаганидан кейин келин эрининг уйига кўчиб ўтади. Оилавий тотувлик энди ҳеч қандай жанжал-можаролар билан умрбод бўзилмайди.

Баъзи мамлакатларда хануз кўпхотинликка йўл қўйилиши ҳаммаизга маълум. Лекин бунинг аксини эшитганга бўлсангиз керак. Бразилиянинг айрим минтақаларида аёлнинг бир нечта эри бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда тўйни аёл эмас, унинг эри уюштиради.

Тинч океанидаги минглаб ороларда яшовчи аҳолининг ҳар бири туб аҳоли томонидан қаттиқ риёза этиладиган никоҳ маросимларига эга. Чунки, келин-куёвлар кўнрақлари улар катта бўлган жой меваларидан тайёрланади.

Самоа оролида келин тўт дарахти пустилогли ва шохларидан тайёрланган кўйлакни кийди. Бошига эса, чиганоклардан тайёрланган тож кийдирилиди.

Осиёда келин-куёвларга қизил рангли ипак либослар кийдирилиди. Хитойда олтин ва қизил ранг бахт ва бадас-тирлик рамзи бўлиб, бу нарсалар кон-вертларда ҳам, шамларда ҳам, совага-саломли кўтиларда ҳам бўлиши шарт. Японияда келин ипакдан тикилган оқ кимоно, оқ нарчадан елкага ташлаб қўйиладиган ёпинчик, зёб-зийнатлар ва махсус парик билан ясанрилиши ке-рак. Оқ ва қизилдан ташқари, сиёҳ-рангдан бошқа барча тусдаги матолар бўлиши мумкин. Сиёҳранг никоҳнинг тезда барбод бўлишига олиб келади, деган ирим мавжуд.

Европада оқ кўйлак анъанавий тўй либоси ҳисобланади. Бунинг устига, шундай ирим ҳам бор: келин тўй кунини битта эски кийимини, битта янги кўйлак-ни кийиши, битта кўйлакни қарзга олиб туриши керак. Иримга кўра, шунда никоҳ мустаҳкам бўлади. Англияда келин кўлига тўр нақшлар билан беза-тилган тақани кийди.

Германияда бир вақтлари, келин тўйга мўл-кўлчилик рамзи бўлган туз ва нон билан келиши лозим бўлган одат амал қилган. Шунинг учун у ер-ларда кўйлақлар махсус чўнтақлари билан тикиларди. Жанубий Европа мам-лакатларида кўйлақларни келинлар ўзлари мустақил равишда тикиб, уни оилавий ёдгорлик сифатида сақлаб қўйишган.

Испан қизларининг тўй кийимлари-да, албатта апельсин дарахти гуллари бўлиши керак эди. Улар келинга тақ-дим этган гулдаста сочларига безак си-фатида тақилиши керак экан. Бу удум-нинг моҳияти апельсин дарахтининг ёшлқ рамзи экани билан изоҳланади.

Энг қизиқарли янгилликлар

«НУЖ»ЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАР ОШКОР ЭТИЛДИ

Британия мудофаа вазирлиги ўзга сайё-рлар цивилизацияси билан 1987 — 1993 йил-лар оралиғидаги алоқалар ҳақидаги маълум-лотларни ошкор қилди. Ушбу маълумотлар ора-сида, жумладан, учбурчак шаклидаги номаъ-лум учувчи жисм (НУЖ) қанотларини қериб ту-риб, кейин "соатиға 500 миля тезликда гоийб бўлгани" тўғрисидаги маълумот ва яна бир қанча хабарлар бор.

1989 йил ноябрида Суффолк графлиги хар-бий базасига қўрқувдан ўзини йўқотаётган бир аёл кўнғирок қилиб, ўзини ўзга сайёралик деб атаган одам билан учрашганини айтган. У ай-нан ерга ўхшаш сайёрадан вазиятни ўрганиб келиш учун тушганини гапириб берган. Аёл Норич шаҳри устидан ўзидан нур таратиб тур-ган шарсимон шаклдаги объектни бирмунча вақт кузатиб турганини хабар қилган.

Ўзга сайёралик аёлга, шунингдек, Ерлик аҳоли билан гаплашиш ман этилганига қара-май, бундай алоқаларни ўрнатилиши жуда му-ҳим деб билгани учун ҳам у билан гаплашиш-га аҳд қилганини маълум қилган. Ҳисоботда номи келтирилмаган аёл уйига шошиб кета-ётганида ортида баланд гувиллаш товушини эшитгани, ўгирилиб қараганида эса, қизғиш ва оқ рангларда нур таратиб турган каттакон шарсимон объектни кўрганини, у дала усти-дан ҳавога кўтарилиб, бир зумда қўздан гоийб бўлганини ҳам гапириб берган.

КЛАВИАТУРАНГИЗДА ҚАНДАЙ «ЖОНИВОРЛАР» ЯШАЙДИ?

Consumer magazine Wich тадқиқотлар ўтказиб, компьютер клавиатураси бактериялар учун се-вимли ошпаке айланиши мумкинлигини аниқ-



лади. Улар одамда овқатдан заҳарланиш ва ошқозон ишининг бузилишига ўхшаш аломат-ларни юзага келтиради. Офис компьютерлари-дан олинган таҳлилларнинг кўрсатишича, улар-даги микроблар микдори анчагина кўп экан.

Микробиологлар тестлари клавиатуралар-да микроблар микдори тавсия этилган мез-ёрлардан 150 марта кўпчилиги кўрсатди. Ма-бодо, сиз компьютерингиз клавиатурасида ўсаётган микроскопик жониворларни кўради-дан бўлсангиз, хоҳ ишонинг — хоҳ ишонманг — уларни бурнингиз ва ичакларингизда истиқо-

лат қилаётган нарсаларнинг амалдаги инъи-коси дейиш мумкин, — дейди Лондон касалхо-наси Университет коллежи микробиолог — мас-лаҳатчиси, доктор Питер Вайлсон Би-би-сиға берган интервьюсида. Агар офисингизда ким-дир шамоллаб қоладиган бўлса ёки ҳатто гас-троэнтерити бўлса — уларни қўзғатувчи мик-робларни клавиатурадан йиғиб олишингиз мумкинлигиға сира ҳам ажабланмаса бўлади.

Шунингдек, сўровлардан маълум бўлишича, 11 фойз одамлар ўз клавиатураларини ҳеч қачон тозалашмайди, уларнинг 20 фойзи "сич-қон"ларини ва 46 фойз киши клавиатуралари-ни ойига бир мартадан камроқ тозалашади.

КЛОНЛАШТИРИЛГАН БОЛАЛАР — 9 ЁШДА

Можароли ҳаракатлари билан ном чиқарган италиялик шифокор Северино Антиори клон-лаштиришни муваффақиятли амалга оширган-и ва бунинг натижасида 9 йил муқаддам уч нафар гўдак дунёга келгани ҳақида баёнот бер-ди. Унинг даъво қилишича, ҳозирги вақтда Шарқий Европада яшайётган икки ўғил ва бир қиз бола соғлом туғилган ва ҳозирда ҳам ўзларини жуда яхши ҳис этишяпти.

Бироқ, Антиори клонлаштириш жараёни ҳақида айрим далилларни тақдим этишдан бош торган. Шундай бўлса-да, у ўз тажрибасининг баъзи бир тафсилотлари билан ўртоқлашган.

Антиорининг айтишича, у ядрони кўчириш деб номланган усулдан, яъни Долли қўйини клонлаштиришда қўланилган мукамаллашти-рилган усулдан фойдаланган. Ушбу усул ота-нинг соматик ҳужайраси ядросини ўз генетик материалдан ажратиб олинган оналик тухуми ҳужайрасига кўчириб ўтказишдан иборат эди.

Қийқим ҳангомалар

Марҳум шоир ва ёзувчи Азиз Абдуразоқнинг қувноқ "қийқим ҳикоялар"ни чоп қилишда давом этамиз.

ШОИРНИНГ ЧИРОФИ

Акмал Пўлат беозор, яхши одам эди. Бировга ёмонлик қилганини на кўрганман, на эшитганман. Ўз ишига пишиқ эди-ю, бирозгина соддалиги ҳам бор эди. Соддаликини ҳам тангал қилар эди. Мана, у кишининг соддалигидан бир лавҳа:

Бир кун Акмал ака кечаси соат учда энергетика вазирининг уйига кўнғирок қилибдилар:

- Мен Акмал Пўлатман.
- Ассалому алайкум, Акмал ака! Нима гап? Тинч-ликми?
- Тинчлик, сизга бир илтимос бор.
- Эшитаман.

- Биласиз, мен шоир одамман. Илхомим келиб қолиб, шеър ёзиб ўтирдим, чирогим ўчиб қолди. Энди буёғи қандоқ бўлди?
- Ҳўп, Акмал ака, чирогингиз ёнади. Фақат бироз сабр қилсангиз...

Шундан кейин вазир электр тармоғига кўнғирок қилиб, буюрди:

- Шоир Акмал Пўлатнинг чирогини тезда ёқиб беринглар. Кейин чироқ ёнгани ҳақида дарров мен-га кўнғирок қилингллар.
- Бир неча дақиқадан сўнг шоирнинг чирогини ёнаёт-гани ҳақида кўнғирок қилишди.

Ўша кундан эътиборан ҳар кун кечаси соат учда Акмал аканинг уйида телефон жириглайдиган бўлибди. Шоир зўра уйқудан кўзини очиб, телефон дастасини олса: Акмал ака, электр тармоғидан бе-зовта қилъямиз, чирогингиз ёниб турибдими? — деган саволни эшитар экан.

Бу ахвол бир неча кун, салкам бир ой давом этибди. Ниҳоят сабр қосаси тўлган шоир яна вазир-га кўнғирок қилибди:

- Ўртоқ вазир, одамларингиз мени тинч ухлашга қўядими, йўқми?

Вазир электр тармоғига буйруқ беражани ай-тибди. Аслида Акмал ака кечаси кўнғирок қилиб, чирогини ўчгани ҳақида айтгани учун вазир атайлаб электр тармоғидаги хизматчиларга тайинлаб қўйган экан:

- Акмал Пўлат фақат кечаси ижод қилади. Шун-нинг учун ҳар кечаси соат учда у кишига албатта кўнғирок қилиб, чирогидан хабардор бўлиб туринг-лар, — деган экан.

Шу тариқа вазир шоирга шоирона ҳазил қилган экан.

ЧЎПОННИНГ ЖАВОБИ

Бир йигит ҳикояси:

"Бир қари чўпон бор эди. Ёшгина ўғли ҳам чўпон эди.

- Ота, нега ўглингни ўқитмадингиз? — деб сўра-дим.
- Ўқиса қамалади-да, — деди".

Мана шунча. Қатагонлар даврида аввало фақат зиёлилар заҳмат чекади.

КИМЁВИЙ ЗАРАР

Қовун бозоридан ўтиб кетаётган эдим. Кимёвий заҳар билан семиртирилган қовунларни тоғдек уйиб қўйган тоғдек йигит маҳсулотини мақтаб, менга му-рожаат қилди:

- Қовундан олиб кетинг, амаки.
- Йўқ, укажон, мен ҳали яшамоқчиман, — дедим унга.

Қовунфуруш лол бўлганча қолаверди.

Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.

Тиббиёт оламида

АСТМА ВА АЛЛЕРГИЯНИ ЧАҚИРУВЧИ ОМИЛ АНИҚЛАНДИ



Илик ҳам семиз ҳужайраларни ҳамда цитокинларни ишлаб чиқаради. Шундан келиб чиққан ҳолда олимлар, цитокинлар иммунал тизимни қўзғата-ди, илик ҳужайралари эса, шунингдек улардан семиз ҳужайралар кўпайишини тартибга солувчи механизм сифатида ҳам фойдаланади, деган ҳулосага келишди.

Яна олимлар аллергия ва астмага мойил сичқонларда илик ишини тўхтатувчи модда ишлаб чиқарилишини бузувчи генларни ҳам топилди, деб ёзади Medstream.

Америкалик олимлар жамоаси аллер-гия ва астма касалликларини қўзғатувчи механизмни аниқлашди. Шунингдек, улар ҳисоб-китоблар асосида мазкур механизм-нинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ген-ларни ҳам топилди. Ушбу кашфиётлар астма ва аллергиянинг бош сабабчисиға қарши курашувчи дори-дармонларни яра-тиш имконини беради.

Олимлар сичқонларда тажриба ўтказиб, иммунал тизим ҳужайраларини яратишга ёрдам берадиган илик ва киндик қони ус-тида текширишлар олиб боришди. Семиз ҳужайраларнинг керагидан ортиқча бўли-ши аллергия ва астмаға олиб борувчи им-мунал кескин жавоб реакциясиға сабабчи бўларкан. Олимлар, иммунал жавоб ре-акциясини бошловчи кимёвий моддалар ри-вожланиб бораётган семиз ҳужайралар (IL-4 ва IL-10 цитокинлари) билан қўшилиб кетиб, уларни нобуд қилишини аниқлаш-ди.

ҚУЁШ ТУТИЛИШИ

Олимларнинг маълум қилишларича шу йил 22 июл-да янги асрдаги узоқ давом этадиган тўлик Қуёш тути-лиши кутилади. У ёрғу кун-ни икки соатга қисқартира-ди, деб тахмин қилинмоқда.

Қуёш тутилиши UTC бўйи-ча чамаси 00:00 да юз бе-ради. Ер юзасидан кузатиш учун энг матлуб жой Хитой Халқ Республикаси бўлади. Қуёшнинг тўлик тутилиши жараёни икки соатдан ор-тиқроққа чўзилади. Бу эса сўнгги икки минг йил ичида энг узоқ Қуёш тутилишидир.

Хитой мамлақати ҳудуди-да Қуёш тутилишининг тўлик фазаси 6 дақиқаға бо-ради. Тўлик тутилиш дои-раси 250 километрни таш-кил этади. Тибет ва Шан-хай шаҳри Қуёш тутилиши-ни кузатишда энг қулай жой бўлади.

Футбол атрофидаги гаплар

ҚИРОЛ ЖАМОАСИ ТАРКИБИДА ЎЙНАЙДИ

Барча миш-мишлар ортда қолиб, Бразилия терма жамоасининг ярим ҳимоячиси Кака Испания пойтахти Мадриднинг "Реал" клуби томонидан 68 миллион евро-га сотиб олинди. 27 ёшли машҳур тўпсўрар билан тузилган битим 6 йилга — 2015 йилгача мўлжалланган. Унинг янги жамоаға келиши мадридликлар мураббий-си вазифасига Мануэль Пеллегринининг тайинланиши ҳамда президентлик креслосига Флорентино Переснинг қайтиши билан бир вақтга тўғри келди.

"Реал"дан олдин Кака 2003 йили "Сан-Паулу"дан "Милан" жамоасига ўтганди. Ушндан буюн у Италия-нинг энг машҳур клуби таркибида 270 марта майдонга чиқиб, 95 марта рақиб дарвозасини ишғол қилди. "Ме-нинг халқроқ майдонга чиқишимға ёрдам берган "Ми-лан"ға миннатдорлик билдиришини истардим. Милан-ликлар Европанинг етакчи футболчиларидан бири бўли-шида менга имконият яратиб беришди. Мен тантана билан катта дарвозадан кетяпман", — деди Кака.

2002 йили Кака Бразилия терма жамоасида жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлганди. Бу жамоада у 64 учрашувни ўтказган.

— Футболчи сифатида ютишим мумкин бўлган тур-нирларнинг ҳаммасида галабаға эришдим, — дея давом этди у. — "Реал" президенти яна бир бор Испания ва Европа чемпиони бўлишға уриниб кўрадиган фавқу-лодда рақобатбардош жамоани тuzмоқда. Айнан шунинг учун ҳам мен шу жамоани танлашға қарор қилдим.

лар уч ойлар атрофида юзага келганини тахмин қилиш мумкин.

Қўллар ҳам киши орга-низмидидаги ички ўзгариш-лардан хабардор қилиши мумкин. Бармоқ учлари-нинг қирмизи рангда бўлиши овқат ҳазм қилиш тизими ёмон ишлаётгани-ни билдиради. Бинафша-ранг фонидида тўқ қизил ранг бармоқ учлари — бўйрақлардаги носозлик-ларга ишора. Кўкрақлар терисидаги доғлар жин-сий эъзолар тизимидаги носозликлардан хабардор қилса, бармоқлар оралик-ларидидаги ҳалқалар қалқ-онсимон без касалликла-ридан дарак беради. Кўрсаткич бармоқ ички томонидаги терининг да-ғаллашиши ўт пуфағи иши бўзилганини кўрсатади.

бир текис бўлмаса, кўким-тир ёки тери рангидан оқирок бўлса, қон айла-ниш тизимидаги носозлик-ларни тахмин қилиш мум-кин. Тирноқнинг юқори қисмидаги кўндаланг қўнчалар яқинда бошдан ўтказилган юқумли касал-ликдан далолат беради.

Тирноқлардаги бўйлама чизиклар — номунасосиб овқатланиш аломати ҳисобланади. Кўндаланг — горизонтал ўйқ ёки чу-қурчалар пархез ўзгари-шининг кескин, нохуш таъсири натижасида пай-до бўлади. Ўткир кир ювиш воситаларини кўп ишлатиш, одатда, тирноқ-лар синувчанлигиға са-бабчи бўлади. Улар си-

нувчанлигининг яна бир жиддий сабаби танада моддалар алмашинуви-нинг бузилиши билан бог-лиқдир.

Тирноқлардаги оқ доғ-чалар қанда қанда модда-си кўпайганлиги (эхтимол, бошланаётган қандли ди-абет)ға ишора қилади. Сарик доғчалар ёки тир-ноқнинг тўла сарғайиши ёғлар алмашинувидаги бўзилишлар ва шунинг-дек, нафас олиш йўлла-ри хасталиқларидан хабар бериши мумкин.

Майда садафчаларға ўхшаш шишчаларнинг пайдо бўлиши чўзилиб кетган вирусидида касаллик белгиси ҳисобланади. Этилган (қошиқсимон)

ТИРНОҚЛАР НИМАЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ?

"Қўллар — аёлларнинг энг виждонли аъзоси, улар аёлнинг тили ҳеч қачон айтмайдиган нар-саларни айтиб беради", — дея ўзаро ҳазиллашишар-кан французлар. Аммо бу гапда жон бор: қўллари-ға қараб туриб, аёллар доимо яширишға уриниб келадиған "ёшларини аниқлаш" мумкин экан. Аслида қўллар (шу жум-ладан, эркакларнинг қўллари ҳам) инсон ҳақида кўп нарсалардан хабардор қилади. Қўллар-нинг, айниқса, тирноқлар-нинг ҳолатиға қараб, одам танасидаги турли хасталиқларни аниқлаш мумкин.

Агар тирноқлар ранги

Эртанги кунимизнинг муносиб ворислари бўлган мактаб ўқувчилари айни кунларда ёзги мавсумни мароқли ўтказиш ниятида турли оромгоҳларга йўл олганлар.

Ёз — 2009

МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдирини бўйича республика комиссиясининг шу йил 1 мартдаги кенгайтирилган мажлиси қарорига мувофиқ жорий мавсум давомида Тошкент шаҳри қорхоналарининг пойтахтимиздаги, шу билан бир қаторда Тошкент вилояти ҳудудидagi соғлом ўшаларида жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳларида Қорақалпоғистон меҳнатқашларининг 2000 нафар фарзандларининг соғломлаштирилиши кўзда тутилган.

Таълими тизимидаги замонавий ўқув дастурларининг истиқболли жиҳатларини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Биз имкониятдан фойдаланиб, ҳордиқ чиқаришга шайланаётган ўқувчилардан бирини сўхбатга тортидик. — Мен «Гулбахор» болалар соғломлаштириш оромгоҳига иккинчи йил келишим, — дейди Нукус шаҳридаги 69-мактаб ўқувчиси Эрийгит Кенгасбоев биз билан сўхбатда. — Бу йилги дам олиш мавсуми давомида кўпроқ шахмат-шашка тўғрисида қатнашаман. Оромгоҳ бўйича ўтказилган турли спорт, фан, маданият соҳаларида барча мусобақаларда фаол иштирок этиб, мактабимиз шаънини ҳимоя қилишга ҳаракат қиламан.

Футбол

АНЪАНА БУЗИЛМАДИ

Жаҳон чемпионатида ўзбекистон терма жамоасини мағлубиятга учрата олиш бахрайлик чарм тўп усталари учун анъанага айланиб қолганга ўхшайди. Чунки 2004 йилги Осиё чемпионати мусобақаларида ҳамда 2006 йилги жаҳон чемпионати саралаш турнирида айнан араб футболчилари саралаш турнирида айнан араб футболчилари мағлуб этиб, кейинги босқич учун курашишларига йўл қўйишмаганди.

Манам шаҳридаги стадионда Бахрай ва Ўзбекистон терма жамоалари ўртасида уюштирилган 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида ўтказилган жаҳон чемпионати саралаш турнири IV босқич гуруҳ баҳсида юқорида таъкидлаганимиздек, яна анъана бузилмади. Яъни мезбонлар Миржалол Қосимов шогирдларини иккинчи бўлимнинг бошида Маҳмуд Абдурахмон томонидан киритилган ягона гол ҳисобига мағлуб этишди ва плей-офф баҳ-

сларида қатнашиш ҳуқуқини кўлга кириштирди. Шу ўринда учрашув тафсилотида батафсил тўхталишнинг ҳождати йўқлигини, чунки мутахассислар ҳам, мухлислар ҳам беллашувни бевосита «зангори экран» орқали кузатганликларини таъкидлаган ҳолда шуни хулоса қиламизки, ҳамон терма жамоамизда кўп ҳолларда ушқоқлик билан ҳаракатланиш, галаба бўлган иштиёқ кўзга ташланмаётганлиги, ҳимоя чизигида ҳам,

ҳужум чизигида ҳам муаммолар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Хуллас жаҳон чемпионатида бо-риш учун мутахассислару мураббийлар, футболчиларимиз ўз устиларига кўпроқ меҳнат қилишлари, миллий чемпионатимиз савиясини бугунгиданда кўтаришга интилишлари лозим бўлади. Бу йўлда футбол мутасаддиларию мутахассисларига ҳормай-толмай изланишларини, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тўғрилашларини тилаб қоламиз. (Ўз муҳбиримиз)



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР МАХТУМҚУЛИ

Ҳар ёмон сўзи дилни тиглар, Яхсини олам орзулар.

Бир нодонга айтган сўзинг Эсиб ўтган бодча бўлмас.

Юксак тоғ, юксаклигинга ишонма, Оташда эриган зардек бўларсан. Азим дарё, ҳайбатингга қувонма, Бир қун келиб қуриб, ердек бўларсан.

Яхшилар ёнида юргил сен ўзинг, Дур бўлсин доимо сўзлаган сўзинг, Олимга ёндашсанг, очилар кўзинг, Жоҳилга ёндашсанг, кўрдек бўларсан.

Махтумқули, ўйлаб кўйгин тошингни, Жойин билиб сарф эт нону ошингни, Комил топсанг, тик йўлида бошингни, Эр ёнида юрсанг, эрдек бўларсан.

Нодон яхши қадрин билмас.

Айрилиқ — ўлимдан аччиқ.

Аҳмоқ ўзин оқил билан тенг айлар, Бир иш қилиб, сўнг сен билан жанг айлар, Зеҳнингни койитиб, ақлинг танг айлар. Сўзингни англамас, тўшни ёндирар.

Ошиқлар бағридан бир нола чекса, Тоғларни сел қилиб, тошни ёндирар.

Номард ўғли кўрқиб қочар майдондан, Одамдек кўринар ёғоч ҳар ёндан, Ажратолмас хавфли ерда душмандан Кўрқоқ киши туман нима, тўз нима?

Мажлис ичра сўз лаззатин билмаган, Ҳеч вақт билмас сўхбат нима, сўз нима?

Манман бўлиб, этдим ишимни зоёе, Иқболим отини ботирдим лоя.

Эй азизлар, мард йигитдан мард туғар, Номарддан ким чиқиб, айтинг мард бўлди? Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

127-автокорхона қошидаги ДХО «Автоаэмир-127», МАЗ, КамАЗ, ЗИЛ автомобилларини сифатли таъмирлайди. Иш сифати кафолатланади. Манзил: С.Раҳимов тумани, Қорасарой кўчаси, 325. Тел. 248-26-70, 248-28-61, 248-29-80.

Тошкент шаҳар ер ресурслари кадастри томонидан Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уй учун Саматов Умида Хайдаровна номига берилган №2746769418 рақамли ер кадастри ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

БИЛИМ СУБҲИДАГИ НУР

Инсоният оламида яратилган энг нодир кашфиётлардан бири китоб эканлиги азалдан маълум. Аммо биз ҳамisha ҳам китобнинг буюк қадри ҳақида ўйламаймиз. Мевали дарахт неча йиллар давомида инсонларга насиба улашади. Китоб ҳам бебаҳо маънавий хазинамиздир.

Афсуски, кейинги йилларда бизда китобга бўлган муносабат, китобхоналаримиз даражаси бирмунча сусайди. Бунинг сабаблари бор, албатта. Шулардан бири ўқилмайдиган, такрор-такрор мутулаа қилишга арзийдиган китобларнинг аралашиб кетгани деб ўйлайман. Менимча бугунги кунда китоб дўконлари мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиши керак. Қувонарли томони шундаки, кишлоқ мактабларининг кутубхоналари шаҳар кутубхоналаридан қолишмайди. Бирининдан мазмунли бўлган китоблар китобхона учун янада қизиқиш уйғотади. Лекин Интернет деган восита чиқиши биланоқ ёшлар уни китобдан афзал кўришмоқда. Албатта, бунда ота-оналаримизнинг ҳам айби бор. Агарда фарзандларини доимо назоратда сақлашса, бунинг олди олинган бўлар эди. Ҳар нима бўлганда ҳам маънавият сарчашмаси ҳисобланмиш китобларнинг ҳаётимиздаги ўрнини бошқа ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди.

Ирода ЖҲРАЕВА, ЎзДЖТУ талабаси



қилади. Рассом бир хилликдан қочишга, илоҳи борица ранг-баранглика интилади. Унинг асарларида модернистик умумлаштириш ва соддалаштириш унсурлари учрайди. Абдували Қўрғонбоевнинг муваффақиятлари шунчаки тасодиф эмас, уларнинг замирида сидқиқ дилдан қилинган меҳнат, ички интизом ва ҳақиқий ранг танлаш лаёқати ётади ва бу унинг иқтидорини кўрсатади. Рассомнинг асарлари Қозғистон Республикаси, Швейцария, Франция музейларидан ва кўпгина мамлакатлардаги шахсий тўпламлардан жой олган. Дилором ИКРОМОВА

Кўрғазмалар

ЁРҚИН РАНГЛАР ЖИЛОСИ

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўрғазмалар залида рассом Абдували Қўрғонбоевнинг шахсий кўрғазмаси санъат ижлосмандлари эътиборини тортмоқда.

У дунёга, борлиққа ўзгача тереан бўлган боқади. Асарларида ёрқин ранглари ўзига хос усулларда ифодалади. Рассом асарларида шахсий кузатувлари ва борлиқнинг ўзига хос мушоҳадалари устуворлик қилади. Табиат бойликлари ва бетакрорлигини

нозик ҳис этиш унинг кўплаб асарларида мўжассам бўлган. Жумладан, «Пойга», «Автопортрет», «Чўлда 41 йил», «Болали аёл», «Бонг» триптихи, «Коинот-Ер» асарлари шулар жумласидандир. Иждокор ҳаётни муттасил ку-

затади. Унинг кузатувлари изланишларида, изланишлар эса ўсишга олиб келади. Шу сабабдан кейинги йилларда яратган «Чинор ёнида», «Туя минган қиз», «Чўл мадоннаси» асарлари ва маҳоратли мусаввирнинг истеъдоди янада ошганлигини намойён

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибида 2009 йил 8 июль кунини соат 11:00да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига таклиф этиладиган объектлар: «ART GUNN» МЧЖ туғатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент шаҳар хўжалик савдосининг 2008 йил 30 октябрдаги 10-0816/9343-сонли ажримига асосан банкрот деб эътироф этилган ҳамда Кредиторлар йиғилишининг 2009 йил 12 июндаги 5-сонли баённомасига асосан жамиятининг Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, «VUTEK 3360 FC» русумли йирик ўлчамдаги рангли босма дастоҳи (оборудовани широкорформатной цветной печать) қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 146 798 541 сўм.

Ушбу мулк 8 июль кунини сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2009 йил 15 ва 22 июль кунлари соат 11:00да ўтказилади. Аукцион савдосига иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади. Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси — РКМБнинг ОАИБ «Илак йўли банк» Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850, Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ураббоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 №000004. Савдоларга марҳамат!

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибида бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. 2009 йил 28 июль кунини соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, Миробод туман суд ижрочилиги бўлими томонидан қўйидаги мулклар қўйилмоқда: Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази оморхонасида сақланаётган, 1. ЖИБ Учтепа туман судининг 02.02.2007 йилдаги 1-71/2007-сонли икромарказига асосан хатланган, «BA3 2107» русумли, д/р 10A2265 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 890 000 сўм. 2. ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 03.04.2009 йилдаги 1-248/2009-сонли икромарказига асосан хатланган, «BA3-2106» русумли, д/р 10M6587 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 553 501 сўм. 3. ЖИБ Тошкент шаҳар Ҳамза туман судининг 19.01.2009 йилдаги 1-45/2009-сонли икромарказига асосан хатланган, «BA3-21033» русумли, д/р 30Z2623 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 260 000,8 сўм. 4. ЖИБ Тошкент шаҳар Ҳамза туман судининг 2009 йил 13 январдаги икромарказига асосан хатланган, «Шерволет Отпрат» русумли, д/р М89-64 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 27 294 039 сўм. 5. ЖИБ Шайхонтоҳур туман судининг 11.05.09 йилдаги 1-424/2009-сонли икромарказига асосан хатланган, «Матиз» русумли, д/р 30W1560 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 485 824 сўм. 6. ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 15.05.09 йилдаги икромарказига асосан хатланган, «BA3-2106» русумли, д/р 30R9290 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 093 368 сўм. 7. ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 24.03.08 йилдаги 1-280/2008-сонли икромарказига асосан хатланган, «BA3-2107» русумли, д/р 30W8334 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 566 356 сўм. 8. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 08.08.07 йилдаги 1-0710/2629-сонли икромарказига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Миробод туман СИБ ховлисида сақланаётган, «GA3-310200» русумли, д/р 10TV232 бўлган, 1996 йилда

и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 106 610 сўм. 9. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 03.03.06 йилдаги 10-0619/2666-сонли суд буюрун-га асосан хатланган, Тошкент вилоят ҳокимлиги гаражида сақланаётган, «GA3-2411» русумли, д/р 10A1653 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 419 977 сўм. 10. ЖИБ Тошкент шаҳар хўжалик судининг 21.08.07 йилдаги 10-071/710-сонли икромарказига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншох кўчаси, 10-уй, 3-хонадонда сақланаётган, «SERVIS AGRO» МЧЖга тегишли бўлган 3CB-80 русумли 2 дона насос. Бошланғич баҳоси — 1 538 000 сўм. 11. ЖИБ Тошкент шаҳар Серғели туман судининг 23.12.08 йилдаги 1-1237/08-сонли икромарказига асосан хатланган, Тошкент шаҳар 1-сонли автоағдароват заводида сақланаётган 12 номдаги тарихий қайта иш-ловчи машина ва ускуналар. Бошланғич баҳоси — 7 835 900 сўм.

II. Шунингдек 2009 йил 14 июль кунини соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Шайхонтоҳур туман суд ижрочилиги бўлими томонидан қўйидаги мулклар такроран арзонлаштирилган баҳода қўйилмоқда: 1. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 15.12.2008 йилдаги ЖСК-1-481/2008-сонли икромарказига асосан хатланган, ХЕАТ «Парвинабанк» Тошкент ш. филиалига тегишли бўлган, Ҳамза тумани «Шаркли Мелиса» жарима майдонинида сақланаётган: 1. «Матиз» русумли, д/р 10B6E03 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 067 705,3 сўм. — «Матиз» русумли, д/р 10AZ704 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 067 705,3 сўм. — «Дамас» русумли, д/р 10B6E84 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 167 184,5 сўм. — «Нексия» русумли, д/р 10AAT87 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 18 489 027,2 сўм. — «Тойота-тавро» русумли, д/р 10AT720 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 88 699 715,2 сўм. — «Тойота-тавро» русумли, д/р 10AU717 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт во-

ситаси. Бошланғич баҳоси — 88 699 715,2 сўм. — ХЕАТ «Парвинабанк» Тошкент шаҳар филиалига тегишли бўлган қўйидаги кўчмас мулклар: — Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Чилонзор мазе 24-даҳаси, 31-уй, 31-хонадон, 2-хонадан иборат турар жой. Бошланғич баҳоси — 24 540 235,2 сўм. — Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, 1-даҳа, Лисовна кўчаси, 115-уй, 54-хонадон, 1-хонадан иборат турар жой. Бошланғич баҳоси — 19 255 930,2 сўм. 2. ЖИБ С.Раҳимов туман судининг 05.11.2007 йилдаги 1-665/2007-сонли икромарказига асосан хатланган, Шайхонтоҳур тумани «Жарарик» жарима майдонинида сақланаётган, «BMW-320» русумли, д/р Х3200NM бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 17 773 538,4 сўм. 3. ЖИБ Шайхонтоҳур туман судининг 12.09.2008 йилдаги 1-7261-2008-сонли икромарказига асосан хатланган, Шайхонтоҳур тумани «Ивест» жарима майдонинида сақланаётган, «Мерседес Бенц-190» русумли, д/р Х838UEM бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 351 768,33 сўм.

Мазкур мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидagi талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида икромарказига рақами ва савдосини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг ОАИБ «Илак йўли банк» Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850, Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ураббоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 №000004.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ  
Буюртма Г- 506

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ  
Манзил: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.  
Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
3676 нусxada босилади.  
Қозғ бичими А-2

Нашрият отказиб бериш масалалари бўйича  
турар жойлардаги почта бўлимига ёки  
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига  
муурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер  
марказида терилди ва сақлаланди.  
«Шарк нашрият-матбوع вақидорлик компанияси»  
босилган. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
156 89  
Топширилган вақти: 13.30